

(А. Саъдийнинг «Ўзбек ёш шоирлари» маколasi муносабати билан)

Шу кунларда ўзбек матбуотида ўзбек адабиёти тўғрисида кўпгина нарсалар ёзила бошланди. Бу эса бизнинг учун буюк аҳамият билан текшириладургон бир майдондир. Ўзбек адабиётига оид жиддий бир нарса ёзмок учун керагича замин ва восита йўк даражасида бўлгон шу замонда бундай ҳаракат кўб кийиндир. Чунки бу ҳақда ҳалигача ҳеч бир қадам отилмагон ва ҳеч тажриба йўқдир. Бу мавзуда тажриба ўларок А. Саъдий ўртоқнинг бир неча мақолалари кўлимиздадир. Албатта, шундай яшланмаган бир мавзуга бир кун бизнингда иштирок этишимизга, тўғриси, А. Саъдий ўртоқнинг «Ўзбек ёш шоирлари» унвони остидаги адабий танкидлари сабабчидир. Бўлмаса ҳали биз ҳеч бир жихати очилмагон — ҳом бир мавзу устида бирдан умумий фикр баён этишга жасорат кила олмас эдик. Бизга колса, ўзбек ёш шоирларининг текширилиши учун бошлаб уларнинг асарлари бирма-бир, атрофлича текширилиб, сўнгра ҳар шоирга айрича киймат бергач, умумий фикрга кейиндангина киришмак мувофик бўлар эди. Биз А. Саъдийнинг мақоласини биринчи катла кўздан кечирганда фахш ҳатолар кўрганимиздан бу ҳақда чуқурроқ тафтишларга киришдик. Биз бошлаб ўзбек ёш шоирлари сарлавҳасини кўруб, мавзу ҳақида қандай тасаввурларда бўлгон бўлсак, буткул тесқарисини кўрганимиздан бу ҳақда сукут билан ўтиришни ўзнимизга мувофик кўрмадик. Бошлаб шуни айтишга тўғри келадирки, шунча катта бу мавзунини олгон ёзғучи ҳеч бир жиддий текширишга кириша олмагон. Қуйида кўрсатиладургон бузук ҳатолар бунини очик кўрсатадир.

Бошлаб Саъдийнинг янги адабиётимизни чигатой ўзбек адабиёти атаб, бу ўзбек услубининг боши ўларок Абулғози томонидан бошлангонини ва бу йўлни Бехбудийлар таъкиб этган деган фикрини кўрсата оламиз. Бу «назар» бизнинг текширишимизга қаралса, тўғри бир назар бўлиб чиқмайдир. Чунки Абулғозининг на тили, на услуби чигатой тил — услубидан бошқа нарса эмас, Абулғозининг насри том маъноси-ла чигатой тил ва услуби билан ёзилгон. Мана «Шажараи турк»дан бир парча (айнан): «Чигатой хон хайбатлик ва сиёсатлик подшоҳ эрди ва доно эрди ... Бу айтилгон вилоятнинг ҳеч қайсисига ўзи боргон йўк, аммо доругалар қўйиб эрди ва мулла Сақокий онинг надиими эрди...».

Сўз чўзилмасин деб қиска бўлақлар кўрсатдик. Шу билан ҳам умумий бир фикр олиш мумкиндир. Чигатой адабиётининг энг муҳим рўкнларидан бири бўлгон Бобирнинг «Бобирнома»сидан кўз олдига келтириб чоғиштириш учун тагин бир парча тақдим қиламизким, шунинг (айнан):

«Андижон устида воқе бўлубтур. Фаргона вилоятининг пойтахтидур - ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур, қовун маҳалида қолиб бошида қовун сотмок расм бўлмас, Андижоннинг ношбатисидан яхшироқ ношбати бўлмас, Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Қашқар кўргонидан сўнгра бундан улугроқ кўргон йўқтур...». Бу мисоллар текширилганда ва чоғиштирилганда на тил, на услубда ҳеч бир «айрилиқ» эмас, балки «бирлик» кўринадир. Балки Саъдий «Шажараи турк»да истеъмол қилинган бир нечагина лўғат-сўзнинг Бобирларда ёки бошқа чигатой адабиётида бўлмаганидан шундай катта бир «қашфиёт»да бўлгандир. Қолбуки ўзбеклик деган қараёнлар

борлигига далил бўла олмайдир. Балки бу ўзгалик бир тилнинг, яъни чигатой тилининг бир неча аср орасидаги такомули ва ўзбекнинг ўзбеклиги натижаси деб каралса маъкул бўлиб қоладир. Холбуки юкоридагидан ҳам маълум бўлгани каби иккови орасида ҳеч бир айирма йўқдир. Бу хато эса текширилмай хавоийгина фикр юритишнинг натижасидир.

Бунинг оркасидан Бехбудийларнинг Абулгози тил — услубини бошқадан тиргизганликларини айтадиким, бу ҳам тўғри эмасдир. Мана Бехбудийнинг «Ойна» журналидаги «Бир миллат қандай тараккий этадир» деган мақоласидан бўлак: «Тажрибадор ва олим бир муҳаррир ёзадирки: тараккийнинг энг биринчи унсури ва тухуми маорифдир ва қлмдир. Шубҳасизки, бир миллатнинг фардлари, яъни бир тоифанинг одамлари нақадарки, саъйи қилгувчи ва нақадарки, олим ва ишбилгувчи бўлса, у миллат маданияда шунча муҳим ва шунча юкори бир маҳал тутар. Масалан бир рўзгорда бир она ва тўрт ўғул бор. Буларнинг ҳар бири иш билгувчи ва ҳар бири тинмас ва қорқун ва қойдақордирлар. Албатта бу рўзгор бой ва обод бўлур ва атрофдагиларга нуфуз қилар...».

Бехбудийнинг ва унинг билан бирга ишлаган «янги адабиёт» эгаларининг тиллари ҳам Саъдий айтганича ўзбекча, яъни чигатойдан бошқа бир тил ва услуб бўлмай айна ўшал тил ва услубдир ва унинг бир оз такомул этган ва қамоннинг ўтиши билан аҳамиятсиз ўзгарган суратидир. Бугунги адабиётимизни ўзбек адабиёти деб аташимизнинг сабаби дунёда бўлмаган Абулгози ўзбекчаси билан ёзилиши учун эмас, шундай «илтизомий» бир суратда қатъатан ўчунгина «ўзбекча» бўлгани учундир.

Энди ҳалигача қўрилмаган ва текширилмаган бир масалага қалайлик: ҳақиқатан ўзбек тили деган бир тил қоридир, йўқидир ёки бу қатъатан юкорида айтганимиз каби қорук бир қатъан иборатидир?

Бунга қўлимиздан қелганича қавоб қерайлик: Туркистонда «ўзбек» аталган бир қавм бўлгани каби «ўзбекча» деган бир тил ҳам қоридир. Лекин у тил бугунги газета ва қитобларимизнинг тили эмас. Балки у тил ҳали адабиётимизга қирмақандир. Бу ўзбекча соф ўзбеклар қашаган қойларда ишлатиладирқим, унинг намунасини Қози Олим ўрток адабиётимизга биринчи ўларок ҳади этди («Қилим ўчоғи»нинг 2-қонида «Алқомиш» қостонини қаранғиз). Қостондан намуна учун бир бўлак оламиз (айнан):

«Ай, Қойбўри қолғиз қогон бир ул бир қиз қерди, қолғиз эмас эғиз қерди. Қундан қорсанг қарзандини қаврсанг қалойикти қийиб тўй-томоша қерсанг, тўйга қаландар бўлиб қориб қтини ўзим қўйиб қелақан», деб равзадан овоз қелди. Бу сўзди эшитиб қийлар қиёда вакти ҳуш бўлиб қинди қиров қтти, қийлар қанзилига қетти, қийлар вакти ҳуш бўлиб қалойикти қийиб қирк қчаю қирк қундуз тўй-томоша қериб қотди».

Мана бу тил ўзбекчадир. Бу тил чигатойдан қўб қихатдан айриладургон бир тилдир. Бунинг услубида ўзгачадир. Абулгозининг «Шажараи турк»и эса бу тил билан ёзилган эмас, балки чигатой тили билан ёзилган. Мана шу қелтирган намуна ва далилларимиз бу даъвомизни исботига қифоят этса қерак. Бундан шу натижа қикадирки, бу қунги адабий тилимиз ва Бехбудийларнинг тили ва услуби, А. Саъдий айтганича ўзбекча бўлмасдан юкорида қўрсатганимизча чигатойчадир.

Энди қалайлик Қитратнинг шойрлиғи тўғрисида.

Энди А. Саъдийнинг иккинчи бир қилмаган нарсасига қалайлик. Бу эса Қитратнинг шойрлик шухратининг феврал инқилоби билан йўлдош эканидир. Бу шундай бир ёлундирки, бундай бир сўзни муҳаррирнинг қандай уялмай айтишига қиши қайрон бўлмай қолмайдир. Бир оддий тарқимаи қол ёзгонда бу неча қилмай сўз сўзлаш қандай

уят бўлса, бир миллатнинг шоири деб танилгон бир кишисини текширмак даъвоси билан чиккан адабиётчининг бу қадар жаҳолати унутилмас бир гуноҳдир. Балки Тотористонга Фитрат феврал инкилоби вақтида танилгондир, балки А. Саъдий ўрток инкилобдан кейингина Туркистонга келгач Фитратни танигондир. Лекин бу билан Туркистонда ҳам шул вақтларда таниши лозим келарми экан? Бунга бизнинг шубҳамиз бор.

Хар ҳолда Фитратни шоир ва адиб ўларок Туркистон 1910 нчи йилдан бери танийларким, ўшал вақтларда унинг ёзгон шеърлари ҳатто ёзма ҳолда қўлдан қўлга юрар эди. Хали бу ҳам нари турсин, Болкон уруши вақтида Адарнанинг булгорлар томонидан олиниши муносабати билан Фитратнинг айтган марсияси ёлғиз Туркистонда эмас, Эрон, Афғонистон ва Хиндистонларгача таркалиб неча тилларда дoston бўлгани ҳар бир туркистонликка очикдир. Фақат шугина Фитратнинг қандай бир шоир ва қачон танилгонини кўрсатишга етса керак.

А. Саъдий ўзининг қандай бир ишқа урунгонига сира қиммат бера олмагон кўринадур. Чунки оддий бир таржимаи ҳол ёзадургон киши қаби ҳам текширишни ортикча топадир. Ва айтадир: «Фитратнинг бизга маълум бўлгон асарлари «Ўзбек ёш шоирлари» мажмуасидаги шеърлари билан «Чин севиш» ва «Хинд ихтилолчилари» деган томошаликлари ҳам 23 нчи йилда босилгон «Киёмат» деган ҳаёлий ҳикоясидир. Фитратнинг ёзгон асарларини, ҳеч бўлмаса, отларини ҳам билишни ҳолат билмайдир. «Текшириш» даъвоси билан ўртага отилгон бу зот билмаслиги билан қулги бир ҳолга тушиб қоладир. Саъдий ўрток бир ёзувчининг қандай қучга эга бўлганини билиш учун унинг ёзгон асарларини кўриб текширишга эҳтиёж йўқ деб билган бўлсангиз, буни билингки, бу ишни сиздан бошқа киши қилмайдир. Ёзгучини текшириш учун унинг асарларини кўриш керакдир ва шундан кейингина унга бир қиймат бермак мумкин бўлур. Бу қилгон ишингизга биз ҳеч бир от топа олмадик. Бунда сизнинг қилгон кашфиётингиздан бириси қаби танилишга муносиб сифатларингиздандир. Бунда фақат шунигина айтиб ўтайлик, қим Фитратнинг сизнинг қўлингизга тушмаган ва октябр ўзгаришидан илгари ёзилгон ва босилгон 10 га яқин асари борким Фитратни сизнинг танишингиздан илгари бизга шоир ва адиб ўларок таниткон ушбу асарлардир. А. Саъдийнинг юқорида кўрсатган «уч кашфиёти» бизга шундай бир фикр берадирким, бу киши ёзгон нарсасини ҳеч бир илмий асосга қўра олмагон, балки қайғича ёза боргон. Чунки юқорида кўрсатилган моддалар «адабий танкид»даги энг муҳим жумлалардир. Бу қадар буюк ва кенг мавзуга бунча тор маълумот ва ҳеч тафтишсиз осилишнинг маъносини билиш қийиндир.

Юқоридаги фахш ҳато ва ёлгонлар бизга биринчи кўришда қизик туйилгонидан бу мақолалар ҳақида тузукрок бир фикрга келмак учун Саъдий ўртокнинг бошқа ёзгон нарсаларини ва унинг ҳоли билан таниш бўлгон кишилардан у ҳақида кенгрок маълумот олмок нияти билан баъзи тафтишларда бўлиндик. Бу тафтишларимизнинг натижаси ҳам бу ўртокнинг адабий танкиднинг қийматини яхши тақдир этмак учун чоғи қелганда оз-моз айтиб ўтишни муносиб қўрамыз.

Мақоладаги бутун назарларнинг янглиш ва тўғри эмаслиги аниқ бўлса ҳам, тоғин бир неча жойига ўз фикримизни айтмай ўта олмаймиз.

Маълумдирки, адабиёт ижтимоий ҳаётнинг натижасидир. Бир миллатнинг ижтимоий ҳаётидир. Шу асос қабул қилингондан кейин очик белгиликдирким, бир миллатнинг адабиётини текширганда у миллатнинг ижтимоий ҳаётини текшириш керак. Ҳолбуки ўзбек адабиётини турлик даврларига бўлиб текшириш даъвоси билан чиккан А. Саъдий ўзбек миллати ҳаётини текширишини ортик қўрган, яъни адабиётнинг ижтимоий

хаётдан айри ўларок текширган ва шу асосга таяниб ўз фикрларини ўртага ташлагон. Биз бу тўғрида шуни айтамыз: замонимиз янгилашган сари янгилашадир. Эски назариялар кундан-кун кўмуллуб бормокда, эски замонларда адабиётнигина эмас, умуман илмларни юкоридан келадургон, илохий деб биладургон назариялар бугун борса келмас йўлига тушган. Бу кун хар «хол»ни ижтимоий хаётдан чиккан бир «ходиса» деб таниш замонидир. Очик айтганда замонамиз идеалистлик замони эмас, материалистик замонидир. Шунинг учунда букун эски жилдларни ташлаб, оз бўлса ҳам, янги жилдларга бурунмакни тавсия килиб ўтар эдик. Бу кун идеалистлик йўлида килинадургон хизмат бир хизмат эмас. Материалистлик усули маъкул эмас экан, ўзингизгагина маъкул бўлмасун, уни матбуотга чиқариб ўқувчиларни захарлаш керак эмас. Айниқса, ўзбек ёшларини идеалист бир хаётдан ва тушунчадан материалист ва асрий бир хаётга киргизиш керак бўлгон шу даврда сизнинг келиб бошқадан эски чуруб кетган илмларни сочишингизга майдон йўқдир. Бу хақида албатта у сизнинг вақтингиздаги «асхоби кахф» тахсиллари кифоя қилмайдир, айниқса сизнинг бу илмингиздан «мустағний»дирмиз.

Мана А. Саъдийнинг бир жумласи: «Булар энг илгари «Таржумон» шогирдлари бўлсалар, кейиндан «Шўро» ҳам «Вакт» шогирдлари бўлуб, асл рух ёғидан шу газета шу журнал йўлида давом этадилар». Бу жумла билан ёзгучи шуни айтмакчи бўладирки, бу адабиёт Туркистоннинг хаётидан тугулгон эмас, балки юкоридан келган ва устозлар орқалигина тугулгон бир нарсадир. Яъни агар «Таржумон», «Вакт», «Шўро» бўлмаса, Туркистонда у адабиёт ҳам бўлмаса эди, демак истайдир. Холбуки, адабиётни ижтимоий ходисадан танийдургон биз материалистлар ундай ўйламаймиз. Балки Туркистон шу 20-30-йиллар ижтимоий ва иктисодий холи билан «Шўро» ва «Вакт» бўлмаса ҳам, шундай бир адабий бир давр кечирар эди, деймиз. Бу эса ортик бу куннинг комсомолларига ҳам маълум бўлган бир казиядир.

Адабий танкид эгаси юкоридаги асос билан бориб, бу давр шоирларининг энг очик типни «Авлоний» эканини ва бу майдоннинг ваъз майдони килингонини ва хар вақт бол ўрнида кора нон емакка тўғри келганини ёзадир.

Бу нима демакдир? Сизнингда шариат деб кичкириб юрган вақтларингиз, дин отидан халқни илм ва маърифга ташвиқ қилгон кунларингиз йўқми эди; бу уятмидир? Сизнингча у даврнинг шоир ва адиби бу куннинг материалист—марксистчами мухокама этсунлар эди?! Сизга бу кун кора нон кўринган нарса ўз вақтида бол эмасми эди?

Хар даврнинг ижтимоий ва иктисодий ходисаларини ижтимоий ва иктисодий хаётидангина ахтариш керакдир. Кўкдан шакар тушиш даври ўтган.

Энди А. Саъдий ўртоқнинг шеър текширишидаги кучини синаб кўрайлик.

А.Саъдийнинг текшириш даражаси, маълумоти, усулининг мохиятини кўрдик. Энди унинг шеър текширишидаги кучини бир синайлик.

«Адабий танкид»нинг бир жумласи: «Фитратнинг энг яхши асарлари форс тилида ёзилгон дегувчилар бор, биз уларни кўрганимиз йўқ. Фитратни бир ўзбек шоири сифати билан текширганимизда бизга унинг форс асарларининг кўб кераги ҳам йўқ. Уларни Эронни адабий танкидчилари текширсинлар».

Биз айтамызким, бу ўлканинг кўб жойларида: Самарканд, Бухорода, Фаргонанинг кўб шаҳарларида икки тил била сўйлайтургон «бир миллат» яшайдир. Бунинг устига шуни ҳам билдирайликким, Туркистоннинг адабиёти билан машгул бўлгон хар бир йигити илгари ҳам шундай бўлгони каби ҳозир ҳам форс тилини биладир, Хатто бу тил биланда «шоҳ асарлар» вужудга келтиргандир. Бу миллат форсчани ўқиб эмас, юриб ўрганадир

ва шунинг учун ўз хиссиётини ҳеч ўзгалик сезмасдан ифода қила оладир. Сўнгра буни тушуниш керакдирким, адабиёт тилдангина иборат эмас, унда рух ва фикрнинг муҳим ўрни бордир. Фитратнинг форсча асарлари эса Эрон рух ва фикри билан эмас, шу Туркистондаги икки тил билан сўйлаштургон ва бу кунги истилоҳ билан бири ўзбек деб аталган «миллат»нинг рух ва фикр таржимонидир. Шунинг учунда уни бир ўзбек ёзувчиси сифати билан текширганда ҳам форсий асарларини кўздан кечириш керакдир. Холбуки А.Саъдий ўрток Фитратнинг ўзбекча асарларининг бир нечасинигина кўргандир. Балки хали бошқа асарларининг бору йўғини ҳам билмас.

А.Саъдий ўрток юкоридаги жумлада Фитратнинг форсча асарларини кўрганимиз йўқ дегандир. Холбуки кўрганда ҳам уни ўқиб тушуна олмас эди. Чунки бу зот туркистонлик бўлмағони ва унинг устига ўз тилидан бошқасини билиш унга ортикча бўлғони учун форсийчани ҳам билмайдир. Бу эса кенг адабий бир даврни текшириш учун эмас, Туркистоннинг бир шоиринигина текширишга ҳам энг бой бир манбани кўлдан чиқаришдирким, шу ҳолда бу адабий танкиднинг кийматини майдонга чиқарадир. Фитратнинг шеърларини текширганда А.Саъдий бир-икки мисол келтирадир. У шеърларининг нима таъсири остида ёзилгонлигини ва қачон ёзилгонлигини ва бу шоирнинг кучи нима таъсири остида ўса бошлагонини сира кўрсатмайдир. Масалан, Фитратнинг бир шеъридан «истар эсанг менга келиб гапирма» деган мисра услуб ва фикрда буткул иктидорсизлик демакдир» деб айтадир. А. Саъдийча бўлса, «истар эсанг»ни олиб ташлаб «менга келиб гапирма» дейишга кифоя этадир. Холбуки, «истар эсанг менга келиб гапирма» билан «менга келиб гапирма» орасида кўб айирма бордир. Бир нечасида шоир «истар эсанг» дейдир, чунки махбубасидан айрилмок истамайдир. Балки агар махбубаси истаса, унинг шоир қошига келиши огир келатургон бўлса, келмаслигини айтадир. А. Саъдийча бўлгон мисрада эса, сира келмаслигини айтиши керакдирким, бунда А. Саъдий шеърни англамайдир. Шоирнинг рухига қира олмайдир. Иккинчи мисол «Яна ёндим» деган шеърида «Эришмадим сира сизга...» дегандан кейин:

Нега бўйла қиласиз?

Нечун мени сабабсиз унутдингиз - айтингиз!

Ўтинамэн... ялинамэн, қочмангиз, қайтингиз!

- деган уч йўл ҳеч кераксиз ва буткул ортикдир дейдир.

Холбуки мана шеърни тамоман ўқингиз, бу А.Саъдийча ёмон бўлгон шеърда ўзининг хаяжонини қандай тадрижий ортдуруб бориб қандай энг юксак тасаввурни беришга муваффақ бўлгондир. Агар шул кераксиз топилгон уч мисрани айтмасайди, шеърнинг ҳеч бир мазияти қолмасди. Мана шеър:

Яна ёндим...

Юрагимнинг қони, қизгин олови-ла қайнагон

Кўз ёшларим қайдасиз?!

Қуним қабил узун, қора шу қечада қутубмэн,

Эришмадим сира сизга... нега бўйла қочасиз?!

Нечун мени сабабсизча унутдингиз — айтингиз!

Ўтунамэн... ялинамэн... қочмангиз — қайтингиз!

Яна бутун борлигимнинг негизлари емирилди,

Умидимнинг кўб чидамли тераклари йиқилди.
Хаёлимнинг тотли, чучук соатлари бутунлай
Узоклашиб кета мёндан..! Тўсиб турар йўлимни
Умидсизлик кайгулари тонги отмас бир тундай,
Ўлум дахи кутқаргали келиб тутмас кулимни...

Мана булар кўрсатадирким, А. Саъдий шеърни яхши англамайдир.
Тагин бир мисол: гариб, кимсасиз ўзбекларнинг адабиётида бир оз йўл кўрсатмак
умиди билан А. Саъдий томонидан ёзилган «Адабиёт дарслари»дан бир мисолгина
келтирайлик ва шу билан у асарнинг мохиятини кўрсатайлик. Ўзбек шоирларининг
бобоси бўлган Навоийнинг энг юксак ва бизнинг асрий завкимизга ҳам мувофик,
фасохат ва балогатнинг санъаткорлик билан қандай уста уюшдирилгани тубандаги
шеърини А. Саъдий қандай англатадир. Бир кўриб ўтайлик. Айнан: «Услубда очикликни
қандай англаймиз? Ёзувчининг фикрини кийинлик билан чекинмасдан ҳам тўғри ва
комил англай олсак, шу услубда очиклик сифати топилгон бўладир. Навоийнинг шу
қуйидаги мисралари очик эмасдир. Навоийнинг энг туманлик услубига мисол:

Сахар ховар шахи чарх узраким, хайлу хашам чекги,
Шиои хат била кўхсор уза олтун алам чекти.
Казо фарроши чекти субхнинг сиймин супургусин,
Музаххаб парларин аидокки, товус харам чекти...
Муаззин Каъба токи узра гулбонги самад урди,
Барахман дайр айвонида оханги санам чекти.
Ёка чок этти гохи субх ул мотамгаким ошиқ,
Бу мухлик шоми хижрон ичра юз хуноби гам чекти.
Хушо, улким мунунгдек чоги вафосиз умрни англаб,
Сабухи жомини ахбоб бирла дамбадам чекти, -

дейдир. Бу шеърлар хар жихатдан мукамал бир парчадир. Холбуки А.Саъдийга колса
бу англашилмайтургон услубдир. Чунки бу шеърдаги арабча, форсча лугатларни
англамагонлигин айтмайдир.

Иккинчидан бир адабий даврни текширмак учун юкорида изох килганимиз каби
ижтимоий ва иктисодий хаётни текшириш керак бўладирким, буни А.Саъдий кила
олмагондир. Демак, бу киши ўзбек хаёти билан таниш эмасдир.
Учинчидан, бу ўрток шеърнинг ўзини керагича англамайдир. Агар шеърни яхши анласа
эди, юкорида кўрсатилган мисоллардаги хаяжонларнинг даражасини тақдир этар эди
ва Навоийнинг шеърш «англашилмас» нарса деб кетмас эди.
Энди бу адабиёт муаллимининг «ёкламасдан энг тўғри бир, сўзини эштайлик. «Фитрат
шоир эмас, балки шоирликка интилгувчидур. Ул шоирлик билан файласуфлик ва
мутафаккирлик орасида адашиб колгон бир одамдир. Унинг фитрат ва табиатида
мутафаккирлик, файласуфлик, тагин дурустроги, хакимлиқ бор, лекин хали гунчаси
очиқиб етмаган бир хакимлиқ!»

Мана «ёкламасдан айтилган энг тўғри сўз» шудир. Бир миллат тилини, рухини, хаётини
англамагон ва билмаган кишининг шеър хакида ёки бир шоир хакида айтилган
сўзларнинг бундан ҳам ортик кулгу бўлишини хали ҳеч ким кўрган эмасдир. Бу илмий
жихатини кўйуб туруб, бунинг канча «ёкламасдан» айтилгон эканига бир назар солсак,

бу «адабий танкид»нинг мохияти майдонга чиқадир. Факат буни бошқа мақоламизга қолдирмоқни муносиб кўрдик. А.Саъдий биринчи мақоласида Фитратнинг ўзбек адабиётига фалсафий янги бир тўн берганини айтиб туриб, иккинчи мақоласида «хали гунчаси очилмагон бир ҳақимлик!» деб ўз сўзига ўзи қарши қетадир.

Фитрат сўзининг табиати ва руҳи ёғини текширган «адабий танкидчи» унда ҳам идеялий, ҳам ҳиссийлик, ҳам рўмантизм ва умидсизлик борлигини бизга очик кўрсатадирким, бу-да юқоридаги қашқарлардан қолишмай-турган бир нарсадир. Бир кишининг ҳам идеалист, ҳам умидсиз, ҳам синтиминталист, ҳам рўмантик бўлишини майдонга чиқариш адбатта қатта ҳодиматдир. Маатаассуф, биз бу ҳодиматга қарши унинг қутган муқофотини бера олмаймиз.

Сўзимизнинг охирида бу «адабий танкид»га ўзимизнинг қарашимизни айтиб ўтишни мувофиқ кўрамыз.

Биринчидан, бу бир адабий танкид эмасдир. Чунки, бунда «адабий» маъно ортида ҳеч бир нарса йўқдир. Тилни, ҳаётни, руҳни ва асосан шеърни тушунмай юритилган фикрларни адабий деб атамоқ муносиб эмасдир. Шу эътибори билан бу илмий нарса ҳам эмасдир. Иккинчидан, бу «танкид» эмасдир. Бу бир сўқишдир. Бир муни «гунчаси очилмаган ҳақим», «Истамбул соя қоеларида юрган» қабил таъбирлар билан ёритилгон бир муқоама танкид эмасдир.

Учинчидан, бу ёзувда усул бузуқдир. Ижтимоий ҳодисаларни матириалист усули билан текширмаслик тўғри фикрни топа олмастикдир.

Мунаққиднинг ушбу «Адабий танкидга бир назар» деган мақоласи А. Саъдийнинг «Ўзбек еш шоирлари» мақоласига жавоб сифатида ёзилган. Мақоланинг биринчи қисми «Туркистон» газетасининг 1924 йил 22 январ, 7 феврал сонларида, қолган бир қисми «Зарафшон» газетасининг 1924 йил 10 апрел сонидида босилади. Мақола охирида таҳририят томонидан: «Бошқарма: Бу мақоланинг боши «Туркистон» газетасининг 222-230нчи сонларида босилиб, қоламаси босилмагонлиги сабаблик, биз ёш адабиётимиз учун унинг аҳамияти борлигини кўзда тутиб босилишини мувофиқ кўрдик», деган бир изох ҳам ёзилган.

А. Саъдийнинг мақоласи эса «Туркистон» газетасининг 1923 йил декабр, 1924 йил январ сонларида чиққан.